

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 19 март, № 53 (9224) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ – САМАРҚАНД РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ҚАДАМ ТАШЛАМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар билан танишиш ҳамда янгиларини ишга тушириш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазифаларни белгилаш мақсадида Самарқандга келди.**





Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини Самарқанд шаҳридаги Ёшлар креатив парки билан танишишдан бошлади.

Бугунги кунда шаҳар кенгайиб, йирик мегаполисга айланиб бормоқда. Кейинги йилларда бу ерда янги аҳоли тураржойлари, ижтимоий соҳа объектлари ташкил этилди, аҳоли сони анча ошди. Табиийки, бундай шароитда шаҳарда яшил майдонларни кўпайтириш, янги боғ ва хиёбонлар, аҳоли дам олиш масканларини яратишга эҳтиёж ошади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида вилоятда ҳар йили 16 миллион тупдан ортиқ дарахт кўчатлари экилмоқда. Жорий йил баҳорги мавсумда ҳам 6,3 миллион туп мевали ва манзарали дарахт, бута кўчатлари ўтқазиш режалаштирилиб, айни пайтда вилоятнинг барча ҳудудларида бу жараён давом этмоқда.

Ўзбекистон кўчасида жойлашган собиқ ҳарбий госпиталь ўрнидаги 5,4 гектар майдонда 70 миллиард сўмдан ортиқ ҳомийлик маблағлари ҳисобидан Ёшлар креатив парки ташкил этилди.

Бу ерда маданий мерос объектлари рўйхатига олинган 5 та бино ва иншоот бўлиб, эндиликда улардан ёшлар учун замонавий ва рақамли кутубхона, кўп тармоқли ўқув маркази, креатив тўгараклар, сунъий интеллект, “3D” моделлаштириш, робототехника ва киберспорт ўйинлари марказлари сифатида фойдаланилади. Ахборот-ресурс маркази, спорт заллари, ер ости экомузейи ташкил этилди.

Ёшлар креатив парки, айниқса, йигит-қизлар учун нафақат дам олиш маскани, балки ахборот технологиялари соҳаси ва спорт билан шуғулланиш, стартап лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай жой бўлади.

Вилоят шахмат федерацияси ҳам янги боғда жойлашган. Федерация томонидан бу ерда ўқув-машғулот йиғинлари, мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд.

Боғда болалар аттракционлари, фитнес заллари, стол теннис зали, теннис кортлари, воркаут ва минигольф майдонлари барпо этилган. Ҳудудда Нуронийлар маскани, ўндан ортиқ айвончалар қурилган.

Президентимиз дастлаб “Profi deutsch” немис тилини ўқитиш ва имтиҳон маркази фаолияти билан танишди.

Ушбу лойиҳанинг муҳим жиҳати “Telc” имтиҳон маркази Марказий Осиёда илк бор Самарқанд шаҳрида иш бошлаяпти. Марказда ёшлар немис тилини ўрганиб, халқаро “Telc” сертификатини олади. Сертификат соҳиблари Германияда дуал касбий таълимда ўқишини давом эттиради, бандлиги таъминланади. Жорий йилда бундай имтиҳон марказини мамлакатимизнинг яна бешта ҳудудида очиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси бўйича қилинаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Лойиҳа доирасида 8 — 11-синф ўқувчиларига рақамли технологиялар ва хорижий тиллар чуқур ўргатилади. Ўқувни муваффақиятли якунлаганларга махсус сертификат берилади.

Шунингдек, “Алоқабанк” АТБ ва “Миллий банк” АЖ консультатив марказининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ёшларга имтиёзли кредит ажратиш, стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ишлари, Ёшлар ишлари агентлигининг “Ибрат фарзандлари”, “Мутолаа”, “Қизлар академияси” лойиҳалари билан танишилди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан мулоқот қилди, уларнинг лойиҳалари билан танишди. Жумладан, “Zamin” халқаро жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган “Eco-schools Uzbekistan” лойиҳасида иштирок этаётган ёш экофаоллар 2026 йил учун режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

— Янги Ўзбекистонда юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этяпмиз, юқори даромадли иш жойлари очиляпти. Биз буни сизларга — билимли ёшларга ишониб қиляпмиз. Бунинг учун ҳар дақиқангиз келажагингиз учун хизмат қилсин, дўстингиз китоб бўлсин. Бирор билимни чуқур эгаллаш ва тўғри йўлни топиш учун инсонга диққат, сабр-тоқат, иштиёқ керак. Мана шу иштиёқингиз сўнмасин. Сизлар бераётган таклифлар бизнинг ислоҳотларимиз ғоясига мос, мен ҳар қандай таклиф ва ташаббусларингизни қўллаб-қувватлашга тайёрман, — деди Президентимиз.

Самарқанд шаҳрида бундай замонавий таълим ва дам олиш масканларини кўпайтириш бўйича масъулларга топшириқ берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида жамоат транспорти учун олиб келинган замонавий электробуслар ва қувватлаш станцияси фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 февралда қабул қилинган “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудларда ҳам автотранспорт хизматлари яхшиланиб, жамоат транспорти йўналишлари кенгайтирилмоқда.

Бунда автобус паркларини замонавий талаблар асосида модернизация қилиш, йўналишлар бўйлаб экологик тоза автотранспорт қатновини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни мақсадларда Самарқанд шаҳрига биринчи босқичда 49 миллион доллар ҳисобига 100 та замонавий электробус олиб келинди. “Yutong” русумли мазкур электробуслар 30 ўринли бўлиб, умумий сиғими 75 нафар йўловчидан иборат.

Янги электробуслар учун 4 гектарга яқин майдонда автосарой ташкил этилган. Бу ердаги электробусларни қувватлаш станциясида бир вақтнинг ўзида 50 та жамоат транспортига хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Электробуслар учун барпо этилган ёпиқ тураргоҳда техник хизмат кўрсатиш учун мобиль таъмирлаш техникаси ҳам мавжуд. Электробуслар шаҳарнинг 9 та йўналишида брутто-шартнома асосида ҳаракатланиб, кунига 70 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатмоқда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида эса яна 250 та электробус харид қилиш назарда тутилган. Бунинг учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 120 миллион доллар маблағ жалб қилиш режалаштирилган. Натижада ёқилғи сарфи 32 минг литр, зарарли газлар миқдори 27 тоннага камаяди.

Бугунги кунда автосаройда 265 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Янги электробусларнинг олиб келиниши жараёнида эса яна 500 дан зиёд иш ўринлари яратилади.

Президентимиз янги автобусларни кўздан кечирди.

— Мазкур соҳанинг иқтисодий барқарорлигини ошириш учун электробусларга хизмат кўрсатадиган, уларни таъмирлайдиган мутахассисларни тайёрлаш бўйича Самарқанд тажрибасини яратишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида Самарқанд шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, жумладан, автобуслар ҳаракатини бошқариш жараёнларини рақамлаштириш юзасидан тақдимот ўтказилди.

Президентимиз ташриф асносида мазкур ҳудудга ёндош бўлган Гагарин ва Рудакий кўчалари кесишмасида барпо этилган йўлўтказгични ҳам кўздан кечирди.

Узунлиги 600 метрни ташкил этган туннель 12 миллион доллар ҳисобига барпо этилган, бир кунда ўртача 50 мингта транспорт воситасини ўтказиши мумкин.

Кўча бўйларига электрон шаклда бошқариладиган тунги ёритиш тизими, ер ости пиёдалар йўлаги барпо этилган.

Туннель Хитой ва Туркия қурилиш компаниялари билан ҳамкорликда бунёд этилди. Деворлари замонавий қурилиш технологиясидан фойдаланган ҳолда бурғилаш усули орқали барпо қилинди.

Эътиборлиси, қурилиш жараёнлари транспорт воситалари ҳаракати тўхтатилмаган ҳолда олиб борилди. Ҳудуд кўкаламзорлаштирилиб, манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан биргаликда юртимизга олиб келинган янги “Hyundai Rotem” юқори тезликда ҳаракатланувчи поездида Самарқанд шаҳридан Нарпай туманига келди.

Буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди номи билан аталган ушбу поезд мамлакатимизга етказиб берилиши режалаштирилган олтита “Hyundai Rotem” поездларидан биринчиси. Поезд етти вагондан иборат, соатига 260 километргача тезликда ҳаракатлана олади.

Ойналари қорайтирилган оқ рангли таркиб Ўзбекистон байроғини эслатувчи мовий, яшил ва қизил рангли чизиқлар ҳамда “Жалолиддин Мангуберди” ёзувига эга. Поезднинг узунлиги 175 метрни, сиғими эса учта — ВИП, бизнес ва эконом тоифаларида 390 нафарга яқин йўловчиларни ташкил этади.

Поезд Ўзбекистон иқлими учун махсус ишлаб чиқилган бўлиб, чангга, жуда юқори ва жуда паст ҳароратларга ҳамда қум бўронларига чидамли тизимлар билан жиҳозланган, узоқ масофаларга мўлжалланган.

Яқин орада “Жалолиддин Мангуберди” поезди Тошкент — Урганч — Хива йўналиши бўйлаб қатнай бошлайди. Қатнов вақти 7 соатни ташкил этиши кутилмоқда.

Сафар чоғида давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари, меҳнат фахрийлари ва илғор ёшлар билан самимий суҳбатлашди.

Юртимизда бўлаётган кенг кўламли ўзгаришлар, тобора кўпайиб бораётган йирик лойиҳалар, одамлар фаровонлиги ва қулайлиги учун амалга оширилаётган эзгу ташаббуслар ҳақида фикр алмашилди.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# МУБОРАК РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда бу йилги муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар туфайли жойларда маҳаллий ҳокимликлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, кекса ва ногирон инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш, ифторлик маросимлари ҳамда хайрия тадбирларини ихчам ва тартибли ташкил этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси Янги Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон қадрини юксалтириш, жамиятда тинчлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат, саховат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Ана шундай эзгу ва савоб ишларни изчил давом эттирган ҳолда, муқаддас Рамазон ҳайитини ҳар томонлама муносиб кутиб олиш, унинг инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида қарор қиламан:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 20 март — жума кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда **2026 йил 20 март куни Рамазон ҳайити байрами** сифатида кенг нишонлансин.

2. Қуйидагилар:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ҳайитини ҳудудларда халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига ҳамда Наврўз умумхалқ байрамига уйғун ҳолда кўтаринки руҳда нишонлаш, байрам кунларида аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган маданий-маърифий ҳамда хайрия тадбирларини ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

б) Туризм қўмитаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Рамазон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2026 йил 17 март

# ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўз умумхалқ байрами ва муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, кечиримли бўлиш каби олийжаноб фазилатларни намоён этган ҳолда ҳамда давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг амалий тасдиғи сифатида* ***“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон****ни имзолади.*

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **392** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **223** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **82** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **34** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди.

Шунингдек, **53** нафар шахсларга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **3** нафарини чет эл фуқаролари, **26** нафарини аёл, **14** нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, **166** нафарини ёшлар ҳамда **24** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

# ЕР ЮЗИНИНГ САЙҚАЛИ – САМАРҚАНД РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИГА ҚАДАМ ТАШЛАМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Нарпайга келгач, Президентимиз гидропоника усулида ташкил этилган қулупнайчилик иссиқхонаси фаолияти билан танишди.

Самарқандда азалдан деҳқончилик маданияти ривож топган. Ер ва сувдан унумли фойдаланиш бўйича тажриба катта. Нарпай туманида ҳам ҳар қарич ер майдони ва мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, илғор агротехнологияларни жорий этишга эътибор ортиб бормоқда.

Бугун гидропоника усулида маҳсулот етиштириш амалиётига талаб катта. “Нарпай қулупнай” корхонаси ана шундай инновацион ёндашувни амалиётга татбиқ этиб, юқори иқтисодий самарадорликка эришаётган илғор тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 650 минг долларни ташкил этиб, бир гектар майдонда замонавий иссиқхона барпо этилган. Мазкур иссиқхонада йилига 50 тонна қулупнай етиштириш имконияти мавжуд.

Айни пайтда корхона “Нарпай қулупнайлари” бренди остида маҳсулотларини маҳаллий йирик савдо тармоқларига етказиб бермоқда. Бу эса ички бозорни сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Гидропоника технологияси асосида қулупнай тупроқсиз, махсус озуқавий эритмалар ёрдамида парваришланади. Ўсимлик илдизлари ерда эмас, балки сувни яхши ўтказувчи кокос қипиғи муҳитида ривожланади. Бунда қулупнай зарур минерал моддаларни тўғридан-тўғри сув орқали қабул қилади. Бу эса ўсимликнинг энергия сарфини камайтириб, ўсиш жараёнини тезлаштиради. Ҳосилдорлик анъанавий усулларга нисбатан бир неча баравар юқори бўлади.

Шу билан бирга, гидропоника технологияси кичик майдонда катта ҳажмда маҳсулот етиштириш имкониятини яратади. Энг муҳими, тупроқдан фойдаланилмаслиги туфайли сув сарфи 80 фоизгача камаяди. Ўсимлик касалликлари хавфи паст бўлгани сабабли кимёвий воситалардан фойдаланиш минимал даражага туширилади. Бу эса маҳсулотнинг экологик тозалигини таъминлашга хизмат қилади ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради.

Иссиқхонада сув тежамкор технологиялар жорий этилган. Хусусан, ёмғир сувини тўплаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида катта сиғимли сув ҳавзаси барпо қилинган. Шунингдек, автоматлаштирилган гидропоника ускуналари, қуёш панеллари ва энергия тежамкор ёритиш тизимлари ўрнатилгани ишлаб чиқариш харажатларини камайтирмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йил давомида барқарор етказиб беришни таъминлашда бундай лойиҳаларнинг аҳамияти алоҳида экани таъкидланди. Тадбиркорнинг истиқболдаги ривожланиш режалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Хусусан, келгусида лойиҳани кенгайтириш, қўшимча равишда 60 гектар майдонда янги иссиқхоналар барпо этиш режалаштирилган. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми йилига 300 минг тоннагача ошади. Янги иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари бундай усулдаги иссиқхоналарни аҳоли хонадонларида ҳам кўпайтириш орқали барқарор даромад манбаларини яратиш муҳимлигини таъкидлади.

— Бугун барча соҳада бўлгани каби мазкур йўналишда ҳам сунъий интеллектдан самарали фойдаланиш зарур. Агар ишлар тўғри ташкил этилиб, одамларни бу иш билан шуғулланишга ўргатсак ва буни Нарпай тажрибаси сифатида кенг оммалаштирсак, халқимиз гидропоника усулида йил давомида ҳосил етиштириб бозорни ҳам тўлдиради, яхшигина даромад ҳам қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Нарпай туманида жойлашган “Мароқанд сифат” кластери тизимида чиқиндисиз технология тамойили асосида иш олиб бораётган корхона фаолияти билан танишди.

Кластерда пахта етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган тўлиқ қиймат занжири шакллантирилган. Хусусан, пахта ва уруғлик етиштириш, ёғ-мой ишлаб чиқариш, тола ва калава ип тайёрлаш, шунингдек, тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни қамраб олган 25 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилган. Бундай ёндашув қишлоқ хўжалиги ва саноатни узвий боғлаш орқали юқори қўшимча қиймат яратиш имконини бермоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида корхона калава ип ишлаб чиқариш бўйича йилига 5,5 минг тонна, тайёр трикотаж маҳсулотлари бўйича эса 1 миллион дона қувватга эга бўлди. Мазкур кўрсаткичлар 10 миллион долларлик экспорт салоҳиятини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса кластернинг ички ва ташқи бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлашга замин яратади.

Корхона фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати аҳоли бандлигини таъминлашга қўшаётган ҳиссасидир. Айни пайтда бу ерда 1 мингта доимий иш ўрни яратилган бўлса, мавсумий ишлар даврида яна 3 минг нафар аҳоли иш билан таъминланмоқда.

“Мароқанд сифат” кластерининг мато қолдиқларини қайта ишлаш орқали калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонаси илғор ва самарали ташаббуслардан бири ҳисобланади.

Лойиҳа таркибида биолаборатория ҳамда тикув цехлари фаолият юритмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, тикув цехларида фойдаланиб бўлинган мато қолдиқлари ташлаб юборилмайди. Улар замонавий, юқори тезликда ишловчи ускуналар орқали қайта ишланиб, яна калава ип ҳолатига келтирилади. Ушбу йўналишда йиллик тола ишлаб чиқариш қуввати 5 минг тоннани ташкил этади. Бу эса ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 7 миллион доллар бўлиб, у 3,3 гектар майдонда жойлашган. Корхонада 500 нафар аҳолининг доимий бандлиги таъминланган. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда энергия тежамкор технологияларнинг жорий этилгани унинг иқтисодий самарадорлигини янада оширмоқда.

Ҳозирда корхона ҳудудида қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, улар орқали ишлаб чиқариш жараёнида қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланилмоқда. Бу корхонанинг энергия харажатларини камайтириш билан бирга “яшил иқтисодиёт” тамойилларини амалиётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди ва тикув цехида меҳнат қилаётган ходимлар билан самимий суҳбат қурди.

— Сизлар билан учрашганимдан мамнунман. Бу ерда яратилган шароитлар, ташкил этилган иш ўринлари аҳолининг бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти. Ҳар бир амалга оширилаётган лойиҳа — юртимиздаги улкан ўзгаришларнинг бир қисми. Албатта, иш ўринларига талаб ошиб бормоқда. Шунинг учун биз янада фаол ишлаяпмиз, ҳар бир ҳудудда янги имкониятлар яратишга ҳаракат қиляпмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи доирасида ҳудудда йирик лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишини бошлашга бағишланган маросимда иштирок этди.

Тадбир доирасида вилоятда озиқ-овқат, енгил саноат, кимё ва фармацевтика, қурилиш материаллари, металл ва мебель саноати соҳаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари ҳудуднинг замонавий ишлаб чиқариш қувватлари, илғор техника ва технологиялари, саноат маҳсулотлари билан танишди.

Самарқанд вилояти мамлакатимиз иқтисодиётида стратегик ўринга эга ҳудуд сифатида барқарор ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу ерда саноат ҳажми изчил ўсиб, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳити маҳаллий ҳамда хорижий сармояларни кенг жалб этишга мустаҳкам замин яратди. Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётгани бу борадаги ижобий динамикани яққол тасдиқлайди.

Маросимда шаҳар ва туманларда қарийб 7 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 106 та янги лойиҳа ишга тушириш ва қурилишга тайёр экани ҳақида ахборот берилди. Тадбирга видеоалоқа орқали янги қурилаётган ҳамда ишга туширилаётган лойиҳаларнинг масъуллари ҳам уланди.

Ушбу лойиҳалар вилоят иқтисодиётининг турли тармоқларини қамраб олган. Жумладан, тоғ-кон саноати ва геология, қурилиш материаллари, автосаноат, кимё саноати, электротехника, қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларида янги қувватларни ишга тушириш ҳамда истиқболли объектлар қурилишини бошлаш назарда тутилган.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев лойиҳалар ижрочилари, маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари билан суҳбатлашди, уларнинг таклиф ҳамда ташаббусларини тинглади. Бу каби лойиҳалар Самарқанд вилоятининг саноат салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш ва ҳудудда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, Самарқанд вилоятидаги йирик лойиҳаларни ишга тушириш ва янгиларининг қурилишини бошлаб берди.

Жумладан, Австрия, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Ҳиндистон ва Россия билан ҳамкорликда 2 миллиард 400 миллион долларлик 53 та лойиҳа ишга тушди.

Шунингдек, Нидерландия, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Россия ва Эрон билан ҳамкорликда 4 миллиард 600 миллион долларлик 53 та лойиҳа бўйича қурилиш ишлари бошланди.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига 18 мингта янги иш ўрни яратиш, 13 триллион сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида 700 миллион долларлик экспорт салоҳиятини таъминлаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса вилоят саноатини диверсификация қилиш, замонавий ишлаб чиқариш занжирларини кенгайтириш ва экспорт географиясини янада оширишга хизмат қилади.

Шу ернинг ўзида Президентимизга Нарпай туманида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар тақдимот қилинди.

Бугунги кунда тумандаги 8 та насос станция ДХШ асосида хусусий секторга берилган. Ўтган даврда 21 та насос агрегати 12,3 миллиард сўм инвестиция киритиш ҳисобига янгилангани натижасида йиллик энергия истеъмолини 68,1 миллион киловатт-соатдан 34,1 миллион киловатт-соатгача камайтиришга эришилди.

Умуман, Самарқанд вилоятининг сув хўжалигига янги илмий ёндашувлар жорий қилинмоқда. Бу борада илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимига илмий маслаҳатчи бириктирилмоқда. Шунингдек, соҳада дуал таълим йўлга қўйилиб, 72 нафар талабанинг сув хўжалиги, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидротехника ва гидроэнергетика, кадастр ва экология йўналишларида 6 ойлик узлуксиз амалиёти йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни изчил ва тизимли давом эттириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Нарпай туманида Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, йиғилганларни кириб келаётган муборак Рамазон ҳайити ва қутлуғ айём — Наврўзи олам билан чин қалбдан табриклади.

Самарқандга охирги ташрифдан кейин ўтган тўрт ой давомида мамлакатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бергани таъкидланди.

Хусусан, шу ҳафтанинг ўзида Олмалиқ шаҳрида 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди, пойтахтимизда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг маънавий хазинаси бўлган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази очилди. Эртага эса Пайариқ туманида буюк ҳадисшунос аждодимиз Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими ўтказилиши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бугун Ватанимиз қудратини юксалтириш, ҳар бир оила ва ҳар бир инсон ҳаётини яхшилаш бўйича янада катта марралар олинганини, ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар эса бунга мустаҳкам замин яратаётганини таъкидлади.

Шу билан бирга, бугунги талаб кечаги ёндашувлар билан чекланиб қолмасликни, эртанги кун вазифалари эса янада самарали ва қатъий ҳаракат қилишни талаб этиши кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда Самарқанд ишсизлик ва камбағалликдан холи, инвестиция ва экспорт каби барча йўналишларда намунавий вилоят бўлиши шартлиги қайд этилди.

Бунинг учун вилоят маҳаллалари инфратузилмасини яхшилашга 100 миллион доллар, Ургут туманига қўшимча 50 миллион доллар ажратилди. Умуман, вилоятга барча манбалар ҳисобидан 11 триллион сўм йўналтирилмоқда. Тадбиркорларга кредит ресурслари учун яна 18 триллион сўм берилаётгани таъкидланди.

Ушбу маблағлар, энг аввало, туманларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга, пировардида эса вилоят иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилиши шартлиги қайд этилди.

Йиғилишда туманларнинг саноат, сервис ва қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари, ер ости ва ер усти захиралари, меҳнат ресурслари, аҳолининг бизнес ва касбий кўникмаларини сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш, маҳаллалар имкониятларидан келиб чиқиб, ҳар бир туманнинг ички ривожланиш моделини яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур таҳлиллар асосида туман ҳокимлари, “маҳалла еттилиги” ва маҳалла банкирлари ресурсларни энг кўп иш ўрни яратадиган ва бюджет тушумларини оширадиган лойиҳаларга йўналтириши лозим.

Ушбу тизим 1 майга қадар Нарпай ва Термиз туманларида жорий қилиниб, бутун республика учун намуна сифатида татбиқ этилиши белгиланди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти раҳбарияти олдида камида 9 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаб, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 144 триллион сўмдан ошириш, 3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш ва экспортни 1,2 миллиард долларга етказиш вазифаси тургани қайд этилди.

Шунингдек, 100 минг аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 31 минг оилани камбағалликдан чиқариш ва вилоятни ишсизлик ҳамда камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Мавжуд имкониятлар ва ишга солинмаган салоҳият Нарпай, Қўшработ, Каттақўрғон, Пахтачи туманлари мисолида таҳлил қилинди.

Ушбу туманлар ва Каттақўрғон шаҳрининг вилоят саноатидаги жами улуши атиги 10 фоизни ташкил қилаётгани қайд этилди. Шу муносабат билан мазкур ҳудудларда саноатни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур қабул қилиниб, 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилади. Бу маблағнинг 800 миллиард сўми саноат лойиҳаларини зарур инфратузилма билан таъминлашга, қолган 400 миллиард сўми йўл, сув, электр таъминотини яхшилаш, сервис ва реновация лойиҳаларига йўналтирилади.

Мазкур маблағлар ҳисобидан Каттақўрғон шаҳридан 40 километр масофада жойлашган Ингичка шаҳарчасига саноат ва Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб бориши, Каттақўрғон шаҳри марказидаги Нарпай канали устида 60 йил аввал қурилган кўприк ҳам реконструкция қилиниши белгиланди.

Умуман, Нарпай, Пахтачи, Пайариқ, Қўшработ, Иштихон, Каттақўрғон туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрида саноат ва сервисни ривожлантириш, ҳудудларга янгича қиёфа олиб кириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди.

Йиғилишда жаҳондаги нотинчликлар туфайли логистика занжирларининг узилиши, нефть нархи ва транспорт харажатларининг ошиб бораётгани озиқ-овқат нархларига таъсир қилиши табиий экани таъкидланди. Шу билан бирга, дунёда қарийб 100 миллион турист саёҳат учун тинч ва хавфсиз мамлакатларни қидираётгани қайд этилди.

Бундай шароитда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, туризм ва сервис соҳаларидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш ҳокимларнинг энг асосий вазифаси бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Яйлов ерларини тўғридан-тўғри ижарага бериш муддати яна бир йилга узайтирилиши белгиланди. Вилоятнинг 4 та туманида жами 43 минг гектар майдонда жамоат яйловлари ташкил этилиб, маҳаллаларга 30 йилга бепул ижарага берилади. Яйловларда қудуқ қазиш, сув чиқариш, уруғ экиш ва деградациядан чиқариш харажатлари учун 50 миллиард сўм ажратилади.

Чорва наслчилигини ривожлантириш мақсадида лаборатория ускуналари ва наслли қорамол хариди учун 10 йилга 12 фоизли кредит ажратилади. Булунғур туманида 50 миллион долларлик гўшт йўналишидаги наслчилик корхонаси, Қўшработда эса 20 миллион долларлик тухум йўналишидаги наслчилик корхонаси ишга туширилади.

Жорий йил 1 майдан бошлаб балиқчилик хўжаликларига қуёш панелларини ўрнатиш учун 16 фоизли кредит ажратилади. Панелни ўз маблағи ҳисобидан ўрнатганларга эса харажатнинг 25 фоизи қоплаб берилади.

Картошка етиштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Мисрдан 250 минг дона картошка минитуганаги олиб келиниб, Булунғур туманида кўпайтириш бошланади. Нидерландиядан 6 минг тонна уруғлик картошка олиб келиниб, фермерларга устамасиз етказиб берилади.

Президентимиз туризм соҳасидаги вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Халқаро туризм бозоридаги ноаниқлик шароитида Ўзбекистонни хавфсиз туристик йўналиш сифатида тарғиб қилиш бўйича катта кампания бошланиши қайд этилди. Бу жараёнда туризм учун энг қулай давр бўлган апрель — июнь ойлари учун алоҳида дастур тайёрланиб, “Ўзбекистонда очиқ туризм мавсуми” эълон қилинади.

Ушбу муддатда авиакомпанияларга янги рейслар йўлга қўйиб, олиб келинган ҳар бир хорижий сайёҳ учун 100 доллардан субсидия берилади. Бундай авиакомпанияларга аэропорт хизматлари учун 20 фоиз чегирма тақдим этилади.

1 апрелдан бошлаб туроператорларга уч ой мобайнида жалб қилинган ҳар 1 минг хорижий турист учун бюджетдан 5 минг долларгача субсидия берилади. Қўшилган қиймат солиғининг ярми “кэшбек” сифатида қайтарилади.

Ижтимоий тармоқларда 5 миллиондан ортиқ кузатувчилари бўлган 50 нафар хорижий блогерга Ўзбекистонга келиш учун етти кунлик бепул турпакет тақдим этилади.

Жорий йилнинг ўзида Самарқандда дунёга машҳур камида 5 нафар санъаткорнинг гастролини, шунингдек, 10 та бизнес-форум ва мода фестивалини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Самарқандни аниқ ва табиий фанлар бўйича олимпиада, форум ва илмий конференциялар ўтказиладиган халқаро хабга айлантириш учун барча имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳисобига Самарқандга йил якунига қадар 6 миллион сайёҳ олиб келиш мақсади белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ва туман ҳокимлари, тармоқ раҳбарлари ҳамда бошқа мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди, Самарқанд аҳли билан мулоқот қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Абдулазиз РУСТАМОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

# ОВЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ



*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ов қилиш ва овчилик хўжаликлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.*

## Сенат қўмитасида

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда ов қилиш ва овчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳада замонавий технологияларни жорий этиш, овчилик хўжаликларида биохилмахилликни ошириш, ов туризми инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш борасида ишлар изчил олиб борилмоқда.

Мазкур қонун билан овчилик гувоҳномалари ва ов қилиш учун йўлланмалар бериш тартибини такомиллаштириш, ёввойи ҳайвонларни овлаш квоталарини белгилаш ҳамда тақсимлашнинг илмий асосланган механизмларини жорий этиш, овни фақат белгиланган овчилик хўжаликлари ҳудудларида ёки эркин овлаш жойларида амалга ошириш тартибини белгилаш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ёввойи ҳайвонларни табиий муҳитда овлаш учун эркин ов қилиш жойларининг ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши кўзда тутилган.

Қонунга мувофиқ овчилик хўжаликларига питомникларда етиштирилган ва табиий муҳитга қўйиб юборилган ёввойи ҳайвонлар сонига мутаносиб равишда, уларнинг урчиш давридан ташқари вақтларда овни уюштириш ҳуқуқи берилади. Урчиш даврлари эса Фанлар академиясининг Зоология институти хулосаси асосида белгиланади. Ов қилиш ҳуқуқини расмийлаштирувчи йўлланмаларни махсус электрон дастур орқали бериш тартиби жорий этилиб, овчилик хўжаликларида мазкур ҳужжатлар хўжалик эгалари томонидан, эркин ов қилиш жойларида эса ваколатли орган томонидан тақдим этилади. Бундан ташқари, овчилик хўжаликларини юритиш учун ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали ажратилиб, тегишли шартномалар ижара муддатига мос равишда тузилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, қўмита мажлисида сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда сув ресурсларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Соҳани рақамлаштириш, сувнинг аниқ ҳисобини юритиш, қишлоқ хўжалигида тежамкор технологияларни қўллаш, ерларни лазерли текислаш орқали сув сарфини камайтириш, ирригация тизимларини реконструкция қилиш, ариқ ва каналларни бетонлаштириш ҳисобига катта ҳажмда сув тежалиб, исроф бўлишининг олди олинмоқда.

Хусусан, ўтган 2025 йилда 817,2 минг гектарда замонавий технологиялар жорий қилиниши ҳисобига 2,3 млрд. куб метр сув тежаб қолинган. Сўнгги беш йилда эса 1,2 минг км. каналлар ва улардаги 2,5 мингта гидротехника иншооти реконструкциядан чиқарилиб, 26 та насос станцияси тўлиқ модернизацияланиши натижасида йилига ўртача 1 млрд. куб метр сув йўқотилишининг олди олинмоқда.

Бу йил эса 503 минг гектар ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, 203 минг гектарда лазерли текислаш ишлари амалга оширилиши ҳисобига 2,5 млрд. куб метр сув тежалиши кутилмоқда.

Мажлисда келгусида сувдан фойдаланиш коэффициентини янада кўтариш, соҳада сув тежовчи технологиялар қўллашни кенгайтириш, каналларни бетонлаштиришни жадаллаштириш, ер ости сувлари сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ушбу табиий ресурсдан оқилона фойдаланиш маданиятини юксалтириш масалаларига эътибор қаратиш юзасидан тавсиялар берилди.

Мажлис якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Давра суҳбати

# ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – ЗАМОН ТАЛАБИ

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси 22 март — Бутунжаҳон сув ресурслари куни олдидан Ўзбекистон Экологик партияси Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда “Сув — ҳаёт манбаи” мавзуида давра суҳбати ташкил этди.*

Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган тадбирда сенаторлар, Экологик партия вакиллари, соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Унда сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, ичимлик суви захираларини асраб-авайлаш, сув танқислигининг олдини олиш, шунингдек, сувни тежашга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, аҳолининг экологик онгини юксалтириш, айниқса, ёшлар ўртасида сувга нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир давомида сув ресурсларини бошқаришда инновацион ёндашувлар, тежамкор технологияларни кенг татбиқ қилиш ҳамда мавжуд сув манбаларини ифлосланишдан муҳофазалашга оид маърузалар тингланди. Талабалар томонидан билдирилган фикр ва ташаббуслар эса уларнинг бу йўналишдаги фаоллиги тобора ортиб бораётганини намоён этди.

Хусусан, иштирокчилар сув ресурсларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган қатор амалий таклиф ва тавсияларни илгари сурди.

Тадбир якунида экологик ташаббусларда фаол қатнашаётган бир гуруҳ талабалар фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди. Таъкидландики, мазкур эътироф ёшларнинг экологик фаоллигини янада ошириб, уларни жамият ҳаётида фаол қатнашишга рағбатлантиради.

**«Халқ сўзи».**

**Президентимиз топшириғига мувофиқ Рамазон ҳайити муносабати билан Афғонистонга навбатдаги инсонпарварлик ёрдами етказилди.**

Фахр

# АЖДОДЛАР МЕРОСИГА ЭҲТИРОМ



*Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг очилиши халқимиз маънавий ҳаётида ҳамда миллий ўзликни англаш ва бой тарихий меросимизни дунёга намоён этишда ғоят муҳим воқеа бўлди.*

*Ушбу марказнинг бунёд қилиниши, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган аждодларимиз бой тарихий меросини чуқур ўрганиш, асраш ва уни жаҳон ҳамжамиятига кенг тарғиб этиш ғоясининг амалий ифодасидир.*

Ушбу муаззам марказни барпо қилиш бўйича дастлабки ташаббус Президент қарори билан 2017 йилда бошланган, 2018 йил Рамазон ҳайити кунида эса унинг тамал тоши қўйилган эди.

Бу давлатимиз раҳбарининг ўз тарихимизга, буюк аждодларимиз меросига ва халқимизнинг маънавий илдизларига бўлган юксак ҳурматининг ёрқин тимсолидир. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази оддий музей ёки меъморий иншоот сифатида эмас, балки халқимизнинг кўп асрлик тарихи, илм-фани, маданияти, диний-маърифий қарашлари ва жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссасини намоён этувчи йирик илмий-маърифий мажмуа ўлароқ шакллантирилди. Шу жиҳатдан, у Янги Ўзбекистоннинг ўтмишини чуқур англаган ҳолда келажак сари дадил интилаётганини ифода қилади.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази нафақат юртимиздаги, балки бутун минтақадаги энг йирик илмий-маърифий мажмуалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Унда аждодларимизнинг илм-фан, ҳадис, калом, фиқҳ, фалсафа, тиббиёт, астрономия, меъморчилик ва бошқа кўплаб йўналишлардаги улкан мероси мужассам қилинган. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби



алломаларимизнинг бой илмий-маънавий хазинаси айнан шу марказ орқали янги авлодга ва халқаро жамоатчиликка янада таъсирчан тарзда тақдим этилади.

Энг муҳими, ушбу марказнинг очилиши Президентимиз раҳнамолигида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий юксалиш, тарихий хотирани тиклаш, миллий ўзликни англаш ва буюк аждодларимиз меросини замонавий асосда тарғиб этиш сиёсатининг мантиқий давомидир. У ёшларимизни илмга, тафаккурга, ватанпарварлика ва миллий ғурурга чорлайдиган, уларни бой тарихимиз ва бебаҳо маънавий меросимиз руҳида тарбиялайдиган улуғ даргоҳ бўлиб хизмат қилади.

Шубҳасиз, бу каби илму маърифат ўчоқлари давлатимиз раҳбарининг миллатимиз тарихий қудрати ва маънавий салоҳиятини дунёга намоён этиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларининг ёрқин меваси сифатида узоқ йиллар давомида халқимиз фахри бўлиб қолади.

**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

# ТАРИХ ВА ЦИВИЛИЗАЦИЯ УЙҒУНЛИГИ

*Муқаддас Рамазон ойида мамлакатимизда меҳр-оқибат янада кучайиб, эҳтиёжманд инсонларга ҳар томонлама эътибор ҳамда кўмак кўрсатилмоқда, халқимиз эзгу ва савобли амалларга ҳисса қўшяпти. Давлат ва нодавлат ташкилотлари, саховатли ҳамюртларимиз томонидан муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани Ватанимизда файзу баракани оширмоқда, инсон қадрининг улуғланиши тинчлик ва умуммиллий бирлик руҳи тобора мустаҳкамланишига асос бўлаётир.*

Тошкент шаҳрида дунёда муқобили бўлмаган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиши, шу куни бутун мамлакатимиз бўйлаб ифторлик ўтказилиши, Қуръон тиловат қилиниб, дуолар ўқилиши, эзгу ниятлар билдирилиши халқимизнинг нафақат ижтимоий, балки руҳий бирдамлик ҳиссини янада мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий очилиш маросимидаги нутқида ушбу улуғвор ва ноёб мажмуа халқимизнинг ақл-заковати, фидокорона меҳнати билан бунёд қилинганини таъкидлаб, не-не аждодларимизнинг орзу-ниятлари, армонлари рўёбга чиққан унутилмас кун, чинакам илм-маърифат байрами эканини қайд этгани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, бетакрор ва буюк мажмуа она Ватанимизнинг уч минг йиллик шонли тарихи ва беқиёс маданиятининг, Янги Ўзбекистон имкониятларининг ёркин кўзгуси сифатида пойтахтимиз тарихий маънавий марказида мағрур салобат тўкиб турибди.

Таъкидланганидек, бу марказ Янги Ўзбекистон ривожланган давлат, эркин жамият пойдеворини бунёд этиш учун, энг аввало, илм ва таълимга таянаётганининг ёркин ифодаси бўлди. Бундай улкан мажмуа ҳар томонлама мукаммал бунёд этилгани унга ташриф буюрган қатор давлатларнинг раҳбар ва сиёсатчилари, етук ташкилотлар ва халқаро экспертлар томонидан эътироф этилмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида эълон қилинган



эзгу ташаббус жаҳон жамоатчилиги, айниқса, ислом ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватлангани марказнинг халқаро аҳамиятини ҳам оширади.

Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва цивилизацияси дурдоналарини бир пайтнинг ўзида ягона маърифий маконда кўриш, шу асосда ўзбек халқининг интеллектуал ва маданий салоҳиятини яққол англаш мумкинлиги алоҳида қайд этилди. Маскан билан танишган ҳар бир инсон, ёшидан, касби ёки ишлаётган соҳасидан қатъи назар, қандай улуғ зотлар авлоди эканидан, муқаддас динимизнинг маънавий-руҳий қудратидан ғурур ва ифтихорга тўлади.

Ноёб мажмуадаги “Ўзбекистон заминида исломгача бўлган давр”, “Биринчи ва Иккинчи Ренессанс”, “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс пойдевори” каби экспозиция заллари тарихан боғлиқлиги ва бир-бирини тўлдириб туриши юртимиз ўтмишини кенг қамровли акс эттиришга хизмат қилади. Марказда ноёб экспонатлар энг илғор технологиялар ёрдамида тақдим этилиши ёш ва келгуси авлоднинг буюк тарихимизни атрофлича ўрганиши, ислом динининг эзгу асосларини кенг тушунишида алоҳида аҳамиятга эга.

Давлат раҳбари марказ маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятимиз учун фундаментал база бўлишини таъкидлади, АЙСЕСКО, ИРСИКА, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, ТУРКСОЙ каби ва бошқа кўплаб халқаро ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш учун зарур шароитлар яратиб берилишини билдирди. Демак, бу ерда диний, маърифий, илмий ва ижодий жараёнлар бир-бирига уйғун равишда ривожланиши учун янги имкониятлар очилади. Буларнинг барчаси мажмуанинг аҳамияти ва фаолият қамрови доимий равишда кенгайиб боришини ҳам англатади.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

# ҚУВОНЧ ВА ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ

*Яшариш ва янгиланиш фасли — Наврўзи олам ўзининг маъно-мазмуни, кўрку таровати, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида Наврўз шундай тасвирланади: “Энг аввал Шарқдан баҳорий насим (шаббода) эсиб келади, бу оламни безаш учун жаннат йўлини очади.*

*Оқ ранг (яъни қор) кетиб, ерга ифор тўлади ва ҳамма ёқни алвон-алвон ранг эгаллайди, чунки олам ҳам чиройли безанмоқни истайди. Баҳорнинг насими зерикарли қишни ҳайдайди, мусаффо баҳор яна ўзининг ҳукмига киради. Япроғини тўккан дарахтлар тағин яшил кийинади, оқ, сариқ, кўк, қизил ранг билан безанади...”*

## Қадрият

Ҳақиқатан ҳам айни шу кунларда юртимизда баҳорнинг илиқ насими билан биргаликда инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик айёми — Наврўзи олам шукуҳи кезмоқда. Ушбу қутлуғ айёмни кексаю ёш — барча биргаликда катта шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Халқимиз бу кунни нишонлашга азалдан алоҳида тайёргарлик кўради. Давлатимиз раҳбари имзолаган “2026 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарор ҳам юртдошларимиз орзиқиб кутаётган уйғониш фаслининг асосий шодиёнасини кўтаринки руҳда нишонлашига замин яратмоқда.

Юртимизда инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, жамиятда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида катта ишлар амалга ошириляпти. Буларнинг барчаси қадимий тарих ва анъаналарга эга шарқона янги йилнинг инсонпарварлик моҳияти, унинг бағрикенглик, саховат ва меҳр-оқибат каби азалий қадриятлари аҳамиятини янада юксалтиради. Аҳоли манфаатлари ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, жамиятнинг ҳеч бир аъзосини меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик, шаҳар ҳамда қишлоқларимизни обод қилиш, ер ва сув ресурсларидан, барча табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш, жойларда аҳиллик, тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш устувор вазифага айланмоқда.

Наврўз хайру саховат ишларига чорлайди. Шу кунлари ногиронлиги бор юртдошларимизга, бемору ночор кишиларга саховат кўрсатилади, холидан хабар олиниб, имкон даражасида моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади. У шунчаки намойиш эмас, балки одамнинг



инсоний туйғуларига қувват берувчи, уларни яқинлаштирувчи, жипслаштирувчи, ягона Ватан туйғусини мустаҳкамловчи бебаҳо омилдир.

Шу боис жойларда Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган барча тадбирларни юксак даражада уюштиришга, уларда юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йилги Наврўз муборак Рамазон ҳайити билан ҳамоҳанг тарзда нишонланиши унинг инсонпарварлик тамойилларини янада кучайтиришини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг холидан хабар олиш, улар учун байрам дастурхонларини ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини маҳалла фаоллари, ёшлар ва хотин-қизлар вакиллари иштирокида уюшқоқлик билан ўтказиш назарда тутилган.

Ана шундай беқиёс фазилатлари туфайли Наврўз нафақат мамлакатимиз, балки бутун Шарқ оламида замонлар оша безавол яшаб келмоқда. Шунинг учун ҳам у юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларини бир оиладек бирлаштирувчи эзгулик айёмига айланди.

Наврўз инсонни, умуман, табиатни мудом янгиланишга, яшаришга ундайдиган, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, инсонийлик, эзгуликка хайрихоҳлик, мурувват ва саховатни янада мустаҳкамлашга чорловчи бетакрор, эзгу хусусиятлари бисёр байрамдир!

**Майра ТОШОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

Ўрганиш

# Депутатлар марказ фаолияти билан танишди

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳамроҳлигида Республика болалар ижтимоий мослашув марказида бўлиб, унинг фаолияти билан яқиндан танишди.*

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази (РБИММ) 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади болаларнинг тўлақонли ижтимоий-тиббий мослашувини ҳал этишга ва таъминлашга кўмаклашиш саналади.

Маълум қилинганидек, марказга шу кунга қадар 90 минг-дан зиёд мурожаатлар келиб тушган, шундан 55 мингдан ортиғи ногиронлиги бўлган болалар ва оилаларни ташкил этган, 24 мингдан зиёд оилалар ва болаларга ахборот-маслаҳат ёрдами, психологик-педагогик ва ижтимоий-ҳуқуқий хизматлар кўрсатилган. 11 мингга яқин болалар билан диагностик тадбирлар амалга оширилган бўлса, ижтимоий ҳимояга муҳтож 687 нафар бола учун психологик-педагогик маслаҳатлар берилган. 2025 йил давомида марказ ва унинг Фарғона, Самарқанд, Қарши шаҳарларидаги филиаллари томонидан 250 дан ортиқ етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ногиронлик, зўравонликни бошдан кечирган, ижтимоий ва ҳуқуқий хавф остидаги болалар ва уларнинг оилаларига амалий ёрдам кўрсатилган.

Учрашувда марказ ташкил этилган кундан бошлаб, 110 дан ортиқ илмий тадқиқотлар олиб борилгани таъкидланди. Жумладан, тегишли вазирликларнинг фундаментал, амалий, инновацион тадқиқотлари, шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги ННТни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларидан 6 та лойиҳа, 8 та давлат ижтимоий буюртмаси ва қатор грантлар амалга оширилган.

Депутатлар марказ ходимлари билан очиқ мулоқотда бўлиб, уларнинг соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазаларини эшитди.



**Раъно АСТАНАҚУЛОВА,**
**қўмита аъзоси:**

*— Марказ фаолияти билан танишувимиз жуда самарали бўлди. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар алоҳида эҳтиёжли болаларнинг оилага, жамиятга тезроқ мослашишини, оилаларга зарур ёрдам кўрсатилишини таъминлашга хизмат қилади. Албатта, амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар болаларни асраб-авайлаш, ҳуқуқларини таъминлашда муҳим бўлиб, бу борадаги ишларни янада кучайтириш эса ҳаётий зарурат. Шу боис соҳа вакиллари билан болаларнинг ижтимоий ҳимоясига оид муҳим масалалар юзасидан суҳбатимиз қизғин кечди.*

Учрашув давомида Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан марказга китоблар топширилди.

**«Халқ сўзи».**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда 22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни олдидан “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини мустаҳкамлашда парламентнинг ўрни” мавзуида давра суҳбати ўтказди.*

Видеоконференцалоқа шаклида ўтган тадбирда депутатлар, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва унинг ҳудудий раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида маҳалла институтини ислоҳ қилиш ва уни халқ ҳаётига яқин, самарали тизимга айлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Маҳалла раисларининг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилиб, “еттилик” вертикал тизими яратилди. Бугун ҳамма соҳа ва йўналишлар бўйича “маҳалла еттилиги” самарали фаолият олиб бораётгани натижасида кўплаб масалалар ортиқча қоғозбозликсиз, югур-югурларсиз маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда.

“Маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида маҳаллаларни ишсизлик, жиноятчилик ва оилавий ажримдан холи ҳудудга айлантиришга доир таъсирли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу орқали 5,2 млн. нафар аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилиниб, 2 090 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланди. Ижтимоий шартнома асосида кўмак кўрсатиш орқали 311 мингта оила камбағалликдан чиқарилди.

Шунингдек, аҳоли томорқасида етиштириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти бўйича 8 272 та маҳаллада йил бошида режа қилиниб, экспорт 487,0 млн. долларга етказилди.



Камбағал оилалар томорқасига 116 минг 233 туп лимон, кўча юзасидаги хонадонлар бўйлаб 1 млн. 902 минг туп, аҳоли томорқалари атрофларига 3 млн. 450 минг туп узум кўчатлари экилди.

“Маҳалла бюджети” тизими орқали маҳаллаларга 577,9 млрд. сўм туширилиб, ҳар бир маҳаллада “еттилик” коллегиал қарори асосида бу маблағлар мақсадли ва манзилли сарфланди.

Маҳалланинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 153,5 млрд. сўм сарфланиб, 284 та маҳалла биноси қурилди, 2 205 таси эса таъмирланди.

“Муҳтож оилага субсидия бериш” модули орқали “еттилик”-нинг қарори асосида уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 671 нафар шахсга 120 млн. сўмгача бўлган жами 84 млрд. 213 млн. сўмлик ипотека кредитлари ажратилган.

— Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади, — дейди қўмита раиси ўринбосари Абдулло Аслонов. — Шу боис сўнгги йилларда маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилиб, соҳа ривожига доир юзга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам маҳалла институти мақоми мустаҳкамланди. Бугун маҳаллаларда юз бераётган ўзгаришлар одамларнинг ҳаётга интилишини оширмоқда. Халқимиз турмуш даражаси бутунлай ўзгариб, ислоҳотлар самарасини ҳар бир инсон ўз кундалик ҳаётида ҳис қиляпти.

Давра суҳбатида сўз олганлар кейинги йилларда маҳалла институтини такомиллаштириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланганини, жорий йилнинг “Маҳаллаларни ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши нафақат маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, балки Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга, ҳар бир инсон ҳаётига кириб боришига кенг йўл очишини қайд этди.

Тадбирда депутатлар томонидан соҳа истиқболига қаратилган қатор таклифлар берилди.

Атроф-муҳит муҳофазаси:

# ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ ВА САМАРАДОРЛИК

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун ижроси ҳолатини Тошкент ва Навоий вилоятлари мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда депутатлар, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси масъул ходимлари ҳамда журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш ҳамда аҳолининг соғлом ва қулай экологик муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Сўнгги йилларда мазкур соҳада ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлаш, экологик назоратни кучайтириш ва ҳаво сифати мониторингини такомиллаштиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланди.

Хусусан, “Қурилиш майдонларида чанг ва қум заррачаларининг ҳавога кўтарилишини бартараф этишга доир мажбурий талаблар белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги Қонунда қурилиш майдонларида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланди.

Президентимизнинг “Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш йўналишидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга ва экологик назорат тизимни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Назорат-таҳлил тадбирларида маълум бўлишича, бугунги кунда Навоий вилоятида атмосфера ҳавосига таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифасига мансуб 122 та, Тошкент вилоятида 835 та корхона фаолият юритмоқда. Атмосфера ҳавосига чиқариладиган ташламаларни камайтириш мақсадида қатор саноат корхоналарида чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш ва модернизациялаш ишлари амалга оширилган. Жумладан, 2024-2025 йиллар давомида қатор саноат корхоналарида янги чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилиб, мавжудлари модернизация қилингани натижасида атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайтиришга эришилган.

Навоий вилоятида атмосфера ҳавоси сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида қатор саноат корхоналари ва санитар ҳимоя зоналарида автоматик мониторинг станциялари ўрнатилган ҳамда уларни тегишли идоралар ахборот тизимларига интеграциялаш ишлари олиб борилмоқда.

Йиғилишда депутатлар томонидан “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун талаблари ижросини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилиб, замонавий чанг-газ тозалаш технологияларини қўллаш ишларини жадаллаштириш, автоматик мониторинг станцияларини янада кенгайтириш, санитария-муҳофаза зоналарини ташкил қилиш ҳамда давлат экологик назоратини кучайтириш зарурлиги юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Якунда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида қўмита томонидан тегишли қарор қабул қилинди.

# «ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ» БАЖАРИЛИШИ — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2025 йил 2 — 4 июль кунлари Президентимизнинг Озарбайжон Республикасига давлат ташрифи доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш бўйича “йўл хариталари”да белгиланган вазифа ва топшириқларнинг ижроси ҳолати юзасидан Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг ахбороти эшитилди.*

Қайд этилганидек, мазкур давлат ташрифи Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратди. Ушбу келишувлар сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, транспорт-логистика ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Маълумотларга кўра, 2025 йилда Озарбайжон Республикасидан жалб этилган инвестициялар ҳажми 271,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2024 йилдагига нисбатан қарийб уч баробар ошган. Ўтган йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 14,6 фоиз ўсиб, 307,2 млн. АҚШ долларига етган. Эришилган келишувларга мувофиқ, 2030 йилга қадар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 1 млрд. АҚШ долларига етказиш режалаштирилган.

Шу билан бирга, ҳукуматлараро комиссия йиғилишларини ташкил қилиш, ҳудудлараро бизнес-форумлар ўтказиш, қўшма инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилаётгани қайд этилди.

Эшитувда депутатлар томонидан қарор ижросини таъминлаш масаласи атрофлича муҳокама қилиниб, айрим чора-тадбирлар бўйича белгиланган ижро муддатларига тўлиқ риоя этилмаётгани айтилди.

Шунингдек, идоралараро мувофиқлаштириш механизмларининг самарадорлигини ошириш, келишувларни бажаришда тизимли ишчи механизмларни янада кучайтириш зарурати таъкидланди. Бундан ташқари, лойиҳалар ижроси юзасидан мониторинг ва ҳисобдорлик тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳокама якунида “йўл хариталари”да белгиланган вазифалар ижросини жадаллаштириш, мавжуд камчилик ва тўсиқларни бартараф этиш ҳамда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур йўналишда масъул вазирлик фаолияти самарадорлигини ошириш, бажарилаётган ишлар устидан парламент назоратини кучайтириш бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

**Устюрт ҳудудида олиб борилган геологик-техник тадбирлар натижасида Ғарбий Қуйи Сургил конига қарашли 17-баҳолаш ишлатиш қудуғидан катта босимда саноат миқёсидаги табиий газ оқими олинди.**

# ИНСОН КАПИТАЛИ – ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

*Мамлакатимизда бир неча йиллардан буён хомашёга таянилган иқтисодиётдан қўшимча қиймат яратадиган, юксак билим ва юқори технологияга асосланган иқтисодиёт сари дадил қадам ташланмоқда. Бу интилишлар ташқи бозорларда юртимизда ишлаб чиқарилган миллий маҳсулотларга талабнинг кучайишига пухта замин яратмоқда.*

**Нуқтаи назар**

Президентимизнинг 2026 йил 16 февралда қабул қилинган “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти учун муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2023 йилда имзоланган ва жадал равишда амалга ошириб келинаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб олинган қатор мақсадларга яқин келажакда, хусусан, жорий йилда эришиш имконияти юзага келди. Жумладан, 2030 йилга бориб мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 160 млрд. АҚШ долларига етказиш режа қилинган эди. Ўтган 2025 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулотимиз 145 млрд. АҚШ долларидан ошди ва жорий йилнинг ўзида ЯИМ ҳажмини 167 млрд. долларга етказиш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бошланди. Бу натижалар мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик мақсадлар сари жадал суръатларда интилаётганидан далолат беради.

Шу боис тараққиётнинг янги марраларини мўлжаллаб олиш, мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда барқарор ривожланишнинг яқин беш йилдаги истиқболларини белгилаш зарурияти пайдо бўлди. Эндиликда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини барқарор тарзда ошириб бориш ва 2030 йилда 240 млрд. АҚШ долларига етказиш борасида қатъий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг фармони билан янгидан қабул қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига эътибор қаратар эканмиз, унда барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш соҳасига устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилганини кўриш мумкин. Ушбу йўналишда белгиланган мақсадларнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтиш муҳим.

*Биринчидан*, янгиланган Стратегияда ҳар бир мақсадни аниқ ва тегишли муддатда амалга ошириш, сарфланадиган маблағ миқдори ҳамда масъул вазирлик ва идоралар қатъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, барча соҳаларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш — келгуси йилларда иқтисодий тараққиёт стратегиясининг асосий йўналиши сифатида кўрсатиб ўтилди. Шу жиҳатдан олганда, технологик ва инновацион ўсиш модели аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Чунки самарали иқтисодиётни барпо этиш орқали аҳоли даромадлари кўпаяди, ижтимоий соҳаларга кўпроқ инвестиция йўналтирилади. Шу тариқа, Янги Ўзбекистонда инновацияга таянилган иқтисодиёт нафақат иқтисодий ўсишни, балки жамиятнинг умумий тараққиёти ва барқарор келажагини таъминлайди.

> ***Таъкидлаш жоизки, сўнгги тўққиз йил давомида мамлакатимизнинг барча иқтисодиёт тармоқларига 130 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилинди. Ўтган 2025 йилнинг ўзида мамлакатимизга 140 млрд. долларлик инвестицияларни жалб этиш бўйича келишувларга эришилди.***

*Иккинчидан*, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш ва юқори технологик қийматдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга устувор аҳамият қаратилгани муҳим янгилик бўлди.



Таъкидлаш жоизки, сўнгги тўққиз йил давомида мамлакатимизнинг барча иқтисодиёт тармоқларига 130 млрд. АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция жалб қилинди. Ўтган 2025 йилнинг ўзида мамлакатимизга 140 млрд. долларлик инвестицияларни жалб этиш бўйича келишувларга эришилди. Юртимиздаги қулай бизнес муҳити, демографик ўсиш, инсон капиталига берилаётган эътибор Ўзбекистонни инвесторлар учун энг жозибадор мамлакатлардан бирига айлантирмоқда.

Жорий йилда 50 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция жалб этиш мўлжалланган бўлиб, ҳар бир доллар, аввало, илғор технологиялар ва уларнинг трансфери, ташқи бозори аниқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, энергия, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда самарадорликни оширишга, маҳаллий ишчиларни янги технологиялар билан ишлашга ўқитиш ва меҳнат унумдорлигини кўтаришга хизмат қилиши зарурлигига эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда жами инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу миллий иқтисодиётимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши учун замин бўлади. Шунингдек, Жаҳон банки эълон қилиб борадиган давлатларнинг технологик етуклик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг “ТОП — 10” та мамлакати қаторидан жой олди. Бу ҳам юртимизнинг технологик ва инновацион нуқтаи назардан тубдан янгиланаётганидан дарак беради ва ушбу янгиланишларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётгани қувонарли ҳол.

*Учинчидан*, янгидан қабул қилинган Стратегияда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси масаласи ҳам ўз аксини топганини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Ўзбекистон танлаган инновацион ўсиш модели таълим ва фан соҳалари ривожи билан чамбарчас боғлиқ. Янги Ўзбекистонда IT-таълим, стартаплар, илмий тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиш, кўплаб замонавий илм-фан масканларининг очилиши кундалик ҳаётимизда одатий юмушларга айланмоқда. Бу ёшларни янгилик яратишга, тадбиркорликка ва мустақил фикрлашга рағбатлантиради, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси эса иқтисодиётни барқарор ривожланиш йўлига олиб чиқади.

Мамлакатимизда жадал суръатларда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Чунки глобал рақобат шароитида асосий бойлик табиий ресурслар эмас, балки юксак билимли, тегишли малакага эга ва тафаккури кенг инсон капитали ҳисобланади. Ҳозирги пайтда таълим тизимини янгилаш орқали жамиятнинг интеллектуал салоҳияти ошириб бориляпти. Бу, ўз навбатида, барқарор иқтисодий ўсиш, инновацион ривожланиш ва ижтимоий тараққиётнинг асосий омиллари сифатида намоён бўлмоқда.

Замонавий босқичдаги технологик ва инновацион ўзгаришлар тез суръатлар билан давом этаётган ҳозирги пайтда таълим тизимининг меҳнат бозори талабларига мослашиши жуда муҳим. Чунки мамлакатимизда олиб борилаётган таълим соҳасидаги изчил ислоҳотлар рақамли кўникмалар, танқидий фикрлаш ва ижодкорликни ривожлантиришга қаратилмоқда. Бу, албатта, ёш авлодни сунъий интеллект, ахборот технологиялари ва инновацияларга тайёрлаш учун пухта замин яратади.

Зотан, миллий таълим дастурларимизда белгиланганини каби назарий билимларнинг амалиёт билан уйғун олиб борилаётгани иқтисодиёт соҳасида самарадорликни оширишга хизмат қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ мамлакатимизда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имконияти йил сайин кенгайиб боряпти.

**Актам БУРҲОНОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

---

**Мутолаа**

# ТАФАККУР ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАЛҚИНИ

Самарқанд давлат университети муассислигида чоп этиладиган «Самарқандим» журналининг 2025 йилдаги 4-сони ўқувчиларда қизиқиш уйғотмоқда.

Янги сон ўз мазмун-мундарижаси, ёрқин дизайни ва бой фотоматериаллари билан нафақат ахборот беради, балки ўқувчини фикрга чорлайди, тарих ва бугун ўртасидаги маънавий боғлиқликни теран ҳис этишга ундайди.

Чунки, тарих — бу фақат ўтмиш саҳифалари эмас, у халқнинг хотираси, миллатнинг маънавий тажрибаси ва келажакка йўл кўрсатувчи маърифат манбаи. Шу маънода, “Самарқандим” журналининг янги сони мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеаларни ўзига хос талқинда ёритиб, Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт руҳини ифода этади.

Журналнинг мазкур сонида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йили 18 — 20 декабрь кунлари Японияга амалга оширган расмий ташрифига алоҳида ўрин берилган. Зеро, ушбу тарихий сафар нафақат икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқди, балки илм-фан, таълим ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик учун ҳам мустаҳкам пойдевор яратди. Ташриф жараёнларини ёритган фотосуратлар, икки томонлама музокараларда эришилган келишувлар ҳақидаги материаллар, юртимиз зиёлилари, Кунчиқар мамлакатда истиқомат қилаётган ватандошларимиз, шунингдек, Япониянинг сиёсий доиралари вакиллари, давлат арбоблари, иқтисодиёт, бизнес ҳамда таълим соҳалари намояндаларининг муносабатлари ўқувчига воқеалар руҳини янада яқиндан ҳис этиш имконини беради.

Жумладан, Япониянинг Тоттори университети президенти, профессор Тасуку Харада шундай ёзади: “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари билан бўлиб ўтган учрашувимиз натижаларини юксак баҳолайман. Музокаралар конструктив ва мазмунли руҳда кечди. Айниқса, таълим, фан ва инновация соҳаларида муҳокама қилинган ташаббусларнинг стратегик аҳамиятини алоҳида таъкидламоқчиман... Самарқанд давлат университети билан узоқ йиллик самарали ҳамкорлигимизни мамнуният билан қайд этаман”.

Журнал саҳифаларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида халқаро миқёсдаги сиёсий ва жамоат арбобларининг фикр-мулоҳазалари ҳам ўрин олган. Парагвай Республикаси Президенти Сантяго Пеня, Ўзбекистон — Саудия ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси, “ACWA Power” компанияси раҳбари Муҳаммад Абунайян, Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдиримнинг эътирофлари мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак баҳоланаётганини кўрсатади. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалиб бораётганининг яна бир далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг таниқли блогер ва журналист Кирилл Алтманга берган интервьюсидан келтирилган иқтибослар ҳам мамлакатимиздаги ислоҳотлар моҳиятини янада чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Журналнинг яна бир эътиборли жиҳати илм-фан мавзуига бағишланган материаллардир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ўзбекистон Қаҳрамони Шавкат Аюповнинг “Фан — бу ижод, айниқса, математика фани...” сарлавҳали мақоласи илм ва тафаккурнинг инсон тараққиётидаги ўрни ҳақида теран мулоҳазаларни ўртага ташлайди. Зеро, фан — бу фақат билим эмас, балки инсон тафаккурининг энг юксак ижодий намоёни.

Тарихчи олимлар қаламига мансуб “Мадинада Боқия, Маккада Муалло, Самарқандда Чокардиза...” сарлавҳали мақолада эса қадимий Самарқанднинг улуғвор ўтмиши ҳақида ҳикоя қилинади. Чокардиза қабристонида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ислом ҳуқуқшунослигининг буюк алломаси Бурҳониддин Марғинонийнинг қабри аниқлангани ҳақидаги маълумотлар журналхонлар қалбида бугунги ютуқларга хайрихоҳлик, буюк ўтмишга ҳурмат, юртимиз заминида яшаб ўтган улуғ алломалар меросига эҳтиром туйғусини янада оширади.

Шунингдек, журнал саҳифаларида академик Акмал Саидов таржималари, атоқли ёзувчи ва журналист Хуршид Дўстмуҳаммад билан суҳбат, Туркия Ёзувчилар уюшмаси Кўнё бўлими раҳбари, шоир Аҳмет Кўсаўғлинингг Самарқанд ҳақидаги таассуротлари ҳам чоп этилган. Бу материаллар нафақат адабий ва маънавий дунёқарашни бойитади, балки юртимизнинг жаҳон маданий маконидаги ўрнини янада ёрқин намоён этади.

Қувонарлиси, журналнинг инглиз тилидаги нусхаси ҳам нашр этилган. Бу эса Самарқанднинг тарихий мероси ва Янги Ўзбекистоннинг бугунги ютуқларини жаҳон жамоатчилигига кенгроқ танитишга хизмат қилади.

Шубҳасиз, “Самарқандим” журнали нафақат ахборот манбаи, балки тарих, маърифат ва тафаккур уйғунлашган маънавий майдон сифатида ўқувчилар қалбига йўл топа олади.

**«Халқ сўзи».**

---

**Саховат**

# ТАДБИРКОРГА САВОБ АМАЛЛАР ЯРАШАДИ

“Кимки бир кўнгли бузуғнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса,
обод айлагай”,

*дея ёзганида ҳазрат Навоий минг карра ҳақ. Зотан, дунёда эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бор кишиларга хайру саховат кўрсатиш, оғирини енгил қилишнинг савобини ўлчай оладиган тарози йўқ.*



Рамазон айёми ҳамда Наврўз байрами арафасида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро туманида ҳам ана шундай савоб ишлар амалга оширилмоқда. Шу кунга қадар ижарама-ижара юрган, боқувчисини йўқотган, норасида фарзандлари билан қийналиб яшаётган, тунларни “Менинг ҳам ўз бошпанам бўлармикан?” деган ўйлар билан ўтказган бешта оилага янги хонадонлар калити топширилди. Бу хайрли, унутилмас амал ташаббускори “Жаннат ишқида” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Феруз Тўраев бошчилигидаги саховатпеша тадбиркорлар бўлди.

Боғидашт маҳалласида ташландиқ ётган ер ўрнида қад ростлаган қўш қаватли мўъжаз уйда умргузаронлик қилиш учун барча қулайлик яратилган. Тураржойда нафақат яшаш, балки меҳнат қилиб, рўзғорни бутлаш имконияти ҳам мавжуд. Гап шундаки, уй ертўласида қадоқлаш цехи жойлашган. Бошқача айтганда, аёлларбоп иш ўринлари ҳозирланган.

Янги уй-жойларни эгаларига топширишга бағишланган маросимда халқимизга хос эзгу фазилатлар давомчилари ҳамда бошпанали бўлган оилалар шаънига илиқ сўзлар айтилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

# ЭКОТУРИЗМ МАНЗИЛЛАРИ САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

*Сирдарё дарёсининг Сирдарё, Сайхунобод ва Гулистон туманлари ҳудудларидан ўтган қисмида соҳил бўйлаб экотуризм манзиллари кўпаймоқда. Камолот, Аҳиллик, Соҳилобод, Ўриказор маҳаллаларида амалга оширилган лойиҳалар бунга яққол мисол бўлади.*

**Имконият**



— Президентимизнинг 2025 йил 6 мартда қабул қилинган “Сирдарё вилоятида ишбилармонлик муҳити, инфратузилма ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Сирдарё бўйларида туризмни ривожлантиришга эътибор ҳам кучайди, — дейди Сирдарё вилояти туризм бошқармаси бош мутахассиси Ўткир Умурзоқов. — Янги-янги экотуризм манзиллари пайдо бўлмоқда ва ушбу масканларда барча шароит яратилган. Хусусан, дарёнинг Гулистон туманидан оқиб ўтган қисмида ташкил этилган капсула уйларга саёҳатчилар жойлашиб, дарё бўйида бир неча кун дам олиши ва қайиқда сайр қилиши мумкин. Шу тумандаги Соҳилобод маҳалласи негизида эса вилоятда биринчи “Туризм қишлоғи” очилади.

Эътиборлиси, жорий йилда Сирдарё вилоятига келадиган хорижий сайёҳлар сонини 100 минг нафарга етказиш ва “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида 530 минг ички сайёҳнинг зиёратларини амалга ошириш мўлжалланган. 10 та меҳмонхона, меҳмон уйлари, хостеллар ва бошқа жойлаштириш масканлари фаолияти ҳам йўлга қўйилади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

РЕКЛАМА

**«O‘ZSANOATQURILISHBANK» ATB AKSIYADORLARINING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG‘ILISHINI (MASOFADAN) O‘TKAZISH TO‘G‘RISIDA**

**XABARNOMA**

Hurmatli «O‘zbekiston sanoat qurilish banki» aksiyadorlik tijorat banki aksiyadori!

Toshkent shahri, Shahrisabz ko‘chasi, 3-uy manzili bo‘yicha joylashgan «O‘zsanoatqurilishbank» ATB (korporativ veb-sayt: www.sqb.uz, e-mail: info@sqb.uz), sizga **2026-yil 8-aprel** kuni Toshkent vaqti bilan soat 11.00da **masofadan turib elektron ovoz berish xizmati — http://evote.uz/** orqali bank aksiyadorlarining navbatdan tashqari umumiy yig‘ilishi bo‘lib o‘tishini ma’lum qiladi.

**YIG‘ILISH KUN TARTIBI:**

**1.** «O‘zsanoatqurilishbank» ATB ustaviga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalarni tasdiqlash to‘g‘risida;

**2.** «O‘zsanoatqurilishbank» ATB Kengashi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalarni tasdiqlash to‘g‘risida;

**3.** «O‘zsanoatqurilishbank» ATB Boshqaruvi to‘g‘risidagi nizomga kiritilayotgan o‘zgartirish va qo‘shimchalarni tasdiqlash to‘g‘risida;

**4.** «O‘zsanoatqurilishbank» ATB Kengashining 1 nafar a’zosi vakolatlarini muddatidan avval tugatish to‘g‘risida;

**5.** Bank Kengashida bo‘sh bo‘lgan o‘rinlarga yangi a’zolarni saylash to‘g‘risida.

● Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig‘ilishi o‘tkazilishi haqida **xabardor qilish** uchun ro‘yxatni shakllantirish sanasi: **2026-yil 16-mart.**

● Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig‘ilishida **ishtirok etish** huquqiga ega bo‘lgan aksiyadorlar reestri tuziladigan sana: **2026-yil 3-aprel.**

● Aksiyadorlarning navbatdan tashqari umumiy yig‘ilishiga oid hujjatlar bilan bankning “www.sqb.uz” korporativ veb-sayti orqali tanishish yoki “info@sqb.uz” elektron manzili orqali so‘rov yuborishingiz mumkin.

Yig‘ilish qatnashchilarini ro‘yxatga olish **internet tizimi orqali elektron ovoz berish xizmatidan (http://evote.uz) foydalangan holda 2026-yil 8-aprel kuni Toshkent vaqti bilan soat 10.00 da boshlanib, 11.00 da to‘xtatiladi.**

**Murojaat uchun telefonlar:**
**78-120-45-00 (ichki 85-55); (+99894) 711-13-75.**

**«Elektron Realtor» МЧЖ**

**тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O‘zsanoatqurilishbank” АТБ балансида бўлган:**

Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, “Сариқўрғон” МФЙ, Тегирмонбоши кўчаси, 15-уйда жойлашган совиткичли омборхона биноси сотилади.

— Сотиш шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишишингиз мумкин.

— Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имконияти бор.

*Савдода иштирок этиш учун талабгорлар **“e-rieltor.uz”** платформаси орқали ариза беришлари керак.*

**Call-марказ: +99855-517-22-20.**
**Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz**

---

**Қашқадарё вилоятида жорий йилда ўзлаштириладиган 5,2 минг гектар ер майдонларида чорва озуқаси етиштирилади.**

---

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.26 Топширилди —01.40 1 2 3 4 5 6